# Qishloq hayoti

2014 йил — Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 18-NOYABR, SESHANBA, 137 (8374)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз пахтакорларининг катта меҳнат ғалабаси муносабати билан йўллаган табригида вилоятнинг Шаҳрисабз туманидаги "Умида она ўғли" фермер хўжалиги номи ҳам алоҳида қайд этилган. Аҳил жамоа бу эътирофга қандай мушарраф бўлди, қишлоқ мулкдорлари эришаётган муваффақиятларнинг бош омили нимада?



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 октябрда қабул қилинган "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ёши улуғ инсонларга чуқур ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун кенг шароит ва имкониятлар яратишнинг амалдаги яна бир ёрқин намунаси бўлди.



«Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалидан кўзланган асосий мақсад болаларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун яқиндан кўмаклашиш, уларнинг катта саҳналарда ўз қобилиятини намоён этиши учун имконият яратиш, ижодкор ўғил-қизлар фаолияти билан халқимизни яқиндан таништиришдан иборатдир.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► "Ниҳол" республика кўрик-танловининг Самарқанд вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда етмиш нафардан зиёд йигит-қиз мусиқа, рақс, мумтоз қўшиқ, эстрада ва опера санъати ижрочилиги бўйича ўз иқтидорини намоён этди.

► **Бухоро вилояти ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ёшларда ватанпарварлик, давлат рамзларига ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашга қаратилган "Давлатимиз байроғи – ифтихоримиз" шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.**

► Термизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда соҳани ривожлантириш йўлида яратилаётган имтиёз ва преференциялар мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

► **Қашқадарёда "Сен билан бирга – "Камолот" сари" шиори остида талаба-ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг йирик лойиҳаларида, жумладан, "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати таркибида ўзини кўрсатган бир гуруҳ ёшларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.**

► Жиззах отчопарида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари республика фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича бир қатор мусобақалар ўтказилди. Беллашувлар Жиззах, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари спортчиларининг маҳорати юқори эканини кўрсатди.




# СИФАТЛИ, АРЗОН ВА ХАРИДОРГИР

## АНДИЖОНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН «УЗ ТОНГ ХОНГ КО» ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА 16 ТУРДАГИ СПОРТ АНЖОМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

***Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлодни жисмонан соғлом камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Бу ўз-ўзидан спорт анжомларига бўлган талаб ва эҳтиёжни оширмоқда. Мазкур йўналишда, яъни спорт муассасаларини зарур анжомлар билан таъминлашда "Уз Тонг Хонг Ко" қўшма корхонасининг ҳам муносиб улуши бор.

– Корхонамиз асосан автомобиллар учун ўриндиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, – дейди корхона раҳбари Авазбек Жалилов. – Айни пайтда халқ истеъмоли моллари, хусусан, спорт товарлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, бу ерда хорижий технологиялар асосида сифатли футбол, баскетбол, волейбол ва теннис тўплари, теннис, стол тенниси ва бадминтон ракеткалари, акробатика ва гимнастика машқлари бажариладиган махсус жиҳозлар ҳамда турли кедалар ишлаб чиқарилмоқда.

– Ушбу қўшма корхонада тайёрланаётган футбол тўплари жуда сифатли, хорижникидан асло қолишмайди, – дейди Андижон вилоятидаги футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернат мураббийи Фарҳодбек Ғафуров. – Халқаро талабларга тўла жавоб берадиган сифатли тўплар ўзимизда ишлаб чиқарилаётганидан беихтиёр фахрланасан киши.

Маҳсулотлар буюртма асосида мамлакатимиздаги турли спорт муассасалари, умумтаълим ва спорт мактаблари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда республика Бадминтон федерациясига етказиб берилмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган даврида 600 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди, – дейди корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Равшанбек Каримов. – Уларнинг аксариятини спорт анжомлари ташкил этади. Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор спорт товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжни ҳам ошириб юбормоқда. Хусусан, яқинда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 18 минг дона футбол тўпи етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятини яратди.

Корхонанинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўлимида 50 нафардан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Асосан ёшлар ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан иборат ишчиларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган.

– Мен Андижон кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежида автоматлашган тизимларга техник хизмат кўрсатиш ихтисослиги бўйича таҳсил олганман, – дейди тўп ишлаб чиқариш участкаси ишчиси Дилмурод Абдуллаев. – Ишлаб чиқариш амалиётини шу ерда ўтадим ва ўқишни тамомлагач, корхонага ишга қабул қилиндим. Ҳозир тўп ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча техник жараёнларни пухта ўзлаштирмоқдаман.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ РЎЁБИ – МУҲИМ ТАМОЙИЛ

***2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар фуқароларимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Оммавий ахборот воситалари вакилларини Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ва сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги қарорлар билан таништирди.

Маълумки, мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қонунда белгиланган муддатларда ўз қурултой ва съездларини ўтказди. Ушбу тадбирларда партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Сўнгра сиёсий партиялар раҳбарлари Марказий сайлов комиссиясига мурожаат этиб, уларни рўйхатга олишни сўрадилар. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар раҳбарларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари билан бирга, уларга илова қилинган ҳужжатлар ҳам қабул қилиб олинди. Мазкур ҳужжатлар қонунда белгиланган 7 кунлик муддат ичида ўрганиб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг таъкидлашича, сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш борасидаги ишлар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилган. Чунончи, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига биноан хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан депутатликка кўрсатилган номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозимлиги ҳақидаги меъёрга амал қилинган. Рўйхатга олинган номзодларнинг 31,8 фоизи хотин-қизлардир. Депутатликка номзодлар орасида таълим-тарбия тизими вакиллари 26,5 фоизни, иқтисодчилар 20,8 фоизни, ишлаб чиқариш тармоқлари вакиллари 20,2 фоизни, ҳуқуқ соҳаси вакиллари 14,2 фоизни, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари 10,1 фоизни ташкил этади. Номзодларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, уларнинг 21,7 фоизи фан доктори ёки фан номзоди илмий даражасига эга. Номзодларнинг 13,8 фоизи эса илгари ҳам депутатликка сайланган.

Тадбирда сайлов жараёнининг муҳим босқичи – сайловолди ташвиқоти бошланаётгани ҳақида тўхталинди. Ушбу жараён сайлов қонунчилиги талаблари асосида амалга оширилади. Қайд этилдики, сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар яратилади.

Тадбир давомида ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур қулайликлар яратилаётгани фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

**С.САЙИДИСЛОМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



>>> Бугун – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

# ТОАБАД ҲИЛПИРАБ ТУРГАЙ ТУҒИМИЗ

**Осмони мусаффо, сувлари тиниқ, табиати гўзал, ҳаёти фаровон, яшариш ва янгиланишга интилувчан, қалби пок, юрти тинч, донишмандлари кўп, томирида аждодлар қони жўшиб оқаётган халқмиз. Бу, давлатимизнинг рамзи – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғида ҳам ўз аксини топган.**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, шу йили, яъни 1991 йилнинг 18 ноябрида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу бежизга эмас, албатта. Сабаби, ҳар бир юртнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи давлат рамзлари мавжуд.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг давлат рамзларида меҳнаткаш халқимизнинг шон-шарафи ҳамда тарихий хотираси мужассам этилган. Шу боис, давлат рамзлари ва уларда ифода топган тимсоллар биз учун муқаддас ҳисобланади.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг – мусаффо осмон ва тиниқ сув еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида халқимиз забт этадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз беғуборлик, мукаммаллик, донишмандлик ифодасидир.

**(Давоми 4-саҳифада)**

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

***2014 йилнинг 14 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.***

Амнистия — грекча "amnestia" сўзидан олинган бўлиб, эсдан чиқариш, кечириш, гуноҳидан ўтиш маъноларини англатади. Амнистия тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида ҳам амнистияга оид ҳужжатлар қабул қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга мисол сифатида буюк саркарда, бобокалонимиз Амир Темурнинг "олтмишдан ошган отадан ош сўрама" ёки "биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинглар, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинглар, учинчи марта гуноҳ қилган шахсни гуноҳига яраша жазоланглар" деган ўгитларини келтириш мумкин.

Амнистия замирида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби тушунчалар ётади. Бу каби олижаноб фазилатларни қадрлаш ва ҳаётга татбиқ этишга эса мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Буни юртимизда истиқлол йиллари мобайнида 25 маротаба қабул қилинган амнистиялар мазмун-моҳиятидан ҳам англаб олишимиз мумкин.

**(Давоми 4-саҳифада)**

Қашқадарё Вилояти

**Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз пахтакорларининг катта меҳнат ғалабаси муносабати билан йўллаган табригида вилоятнинг Шаҳрисабз туманидаги “Умида она ўғли” фермер хўжалиги номи ҳам алоҳида қайд этилган. Аҳил жамоа бу эътирофга қандай мушарраф бўлди, қишлоқ мулкдорлари эришаётган муваффақиятларнинг бош омили нимада? Қуйида ана шу ҳақда фикр юритилади.**

# МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ УЙҒУНЛИГИ

## МУВАФФАҚИЯТГА АСОС БЎЛМОҚДА







Улуғбек эрта тонгда дала айланишга одатланган. У ҳосил саранжомлаб олинган пахта майдонларига ўзгача меҳр билан боқар экан, барака уруғи қадалган майдонларда буғдойнинг униб чиққанини кўриб, кўнгли равшан тортди. Буни тезда отасига маълум қилишга ошиқди. Падари бузруквори қувониб унга навбатдаги йўл-йўриқ, тавсияларини берди.

Она заминни ардоқлаган, уни фарзанди сингари эъзозлаган инсон кам бўлмас экан. Бундан роппа-роса саккиз йил муқаддам фермер хўжалиги етакчилигини қабул қилиб олганида Улуғбек Тиловов бундай ютуқларга эришишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

– 2006 йилда ер майдонимиз 25 гектар эди, – дейди “Умида она ўғли” фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Тиловов. – Шунинг 10 гектарига буғдой экган бўлсак, 15 гектарига чигит қададик. Атиги 10 ишчи кучи, 3 та техника билан дондан 50 центнер, пахтадан 30 центнердан хирмон кўтардик.

Улуғбек янгиликка интилувчан, бугуннинг эмас эртанинг ташвиши билан яшайдиган мутахассис сифатида йил сайин пахта, ғалла ҳосилдорлигини ошириб бораверди. 2009 йилда ер майдони 45 гектарга етди. Ишчилар сони ҳам ошди. Ҳосилдорлик ортиши баробарида 2013 йил фермер хўжалигининг техника парки “ТТЗ-80,10” русумли чопиқ, “МТЗ-80,1” русумли транспорт трактори ҳисобига бойиди. Оила юмушлари, кези келганда фермер хўжалиги учун хизматга ҳозиру нозир “Дамас” русумли енгил автомашинаси харид қилинди. Хўжалик аъзолари сони 72 нафарга, мавсумий ишчилар сони эса 40 нафарга етди. Эътиборли томони шундаки, уларнинг тенг ярми касб-ҳунар коллежини тамомлаган умидли ёшлардир.

– Биз 2013 йилда дўстим Суннат Очилов билан Шаҳрисабз озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежини тамомлаб, ушбу фермер хўжалигига ишга келдик, – дейди механизатор Жавлон Мансуров. – Ўқиш шароитида амалиётни ушбу фермер хўжалигида ўтаганлигимиз қўл келди. Амалиёт жараёнида фермер хўжалиги ишчилари қатори меҳнат қилдик. Бу ишимиз Улуғбек акага маъқул келди шекилли, биз билан коллеж ҳамкорлигида уч томонлама шартнома тузди. Натижа ёмон эмас. Меҳнат қилиб кам бўлмаяпмиз. Бу борада тажрибали механизатор, устозимиз Раҳмон ака Эсановнинг маслаҳатлари асқотмоқда.

Биз ана шундай миннатдорлик сўзларини Жавлоннинг кўзларидан ўт чақнаб турган бошқа тенгдошларидан ҳам эшитдик.

Фермер хўжалиги аъзолари мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда ҳам ютуқлар кўламини янада кенгайтирдилар. 35 гектар майдонда буғдойнинг “Таня” навидан 80 центнердан ҳосил олинди. Ғўзанинг “Наманган-77” навидан эса 50 центнерлик марра забт этилди. Биргина пахтачиликдан ялпи даромад 300 миллион сўмни, соф фойда эса 230 миллион сўмни ташкил этмоқда. Дондан ҳам даромад чакки эмас. Ялпи даромад 280 миллион сўм, соф фойда 200 миллион сўмга тўғри келмоқда. Уруғлик, супер элита ҳосил етиштириш эвазига ана шундай даромад кўрилмоқда.

– Муҳтарам Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар туфайли мана шундай ютуқларга эришяпмиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Тиловов. – Ёнилғи, ўғит, сув таъминотидаги қулайликлардан мамнунмиз. Табиий шароитимизга мос, иссиққа чидамли бўлган ғўзанинг “Наманган-77” навидан мўл ҳосил етиштиряпмиз. Ер мадори –маҳаллий ўғитни “шарбат” усулида экинларга бердик. Ғўзаларни тўрт марта обиҳаётга қондириб, ниҳол қатор ораларига ўз вақтида ишлов бериш натижасида пахтадан юксак хирмон яратилди. Фермер хўжалигимизда уруғлик чигит тайёрлашга ихтисослаштирилган супер элита лабораторияси ҳам мавжуд.

– Бизда беш нафар ходим меҳнат қилади, – дея суҳбатга қўшилди лаборатория ҳосилоти Майсара Қурбонова. – Бир соат ичида ушбу механизм 74 килограмм пахтани қайта ишлайди. Беш тонна пахтадан уч тонна 60 килограмм уруғлик чигит олинади. 2013 йилда тўрт тонна 200 килограмм пахтадан икки тонна 450 килограмм уруғлик чигит тайёрланди. Натижада фермер хўжалигимизни уруғлик билан таъминлаш имкониятига эга бўлдик. Бундан ташқари, туманимиздаги 14 та фермер хўжалигига уруғлик чигит етказиб бердик.

Фермер хўжалигидаги бу каби ибратли ишлар туфайли жамоа аъзолари турмуш шароити, яшаш тарзи кун сайин яхшиланиб бормоқда. Яқинда лизинг асосида 235 миллион сўмга хорижда ишлаб чиқарилган “Орион” ҳайдов трактори келтирилди. Лаборатория техниги Латифа Эркаева тўрт хонали намунавий уйнинг калитини олди. Ногирон, боқувчисини йўқотган, кам даромадли оилалар ҳам доимий эътиборда.

– Давлатимиз раҳбарининг табригидан ғоят илҳомланиб ишлаяпмиз, – дейди фермер. – Табрикда фермер хўжалигимиз номи ҳам алоҳида қайд этилганлиги кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Биз бундай эътирофга жавобан бундан-да яхши натижаларга эришишга ҳаракат қиламиз. Фермер хўжалигимизни кўп тармоқли хўжаликка айлантиришга бел боғлаганмиз. 2015 йилда хориждан 10 бош “қора ола” зотли наслдор моллар келтириб, сутни қайта ишлаш мини технологиясини харид қилмоқчимиз. Бундан ташқари, 10 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этамиз. Бу биринчи навбатда, хориждан мевани сақлаш учун совиткич ва қайта ишлаш технологиясини келтириш имконини беради. Натижада 30 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаймиз.

Ҳа, фермер Улуғбек Тиловов ана шундай эзгу мақсадлар билан олдинга интиляпти. Биз ҳам унга ниятингиз ўзингизга йўлдош бўлсин, деймиз.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**
*Суратлар муаллифи Акмал АЗИМОВ.*

Қорақалпоғистон Республикаси

*Амударё туманида қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, созлаш, экиндан бўшаган майдонларни тозалаш, ерларни шудгорлаш, ғаллага ишлов беришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.*

## КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН

Семинар иштирокчилари тумандаги “Агромашсервис” МТП масъулияти чекланган жамиятида техникаларни таъмирлаш, созлаш ҳамда “Қиличбой” муқобил машина трактор парки ҳудудидаги Султон Ҳайтимбетов раҳбарлик қилаётган “Ҳайтимбетов Султон” фермер хўжалигидаги ғалла парвариши ишлари билан танишди.

“Агромашсервис” МТП туман фермер хўжаликларига шартнома асосида хизмат кўрсатиб келаётир. Йиғим-терим ишлари якунлангандан сўнг 20 дона чопиқ трактори, 10 дона мола, 10 дона культиватор ва бошқа техникалар марказий таъмирлаш устахонасига келтирилди. Айни кунда бу ерда таъмирлаш, созлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Жамиятга қарашли яна 16 та юқори унумли техника кузги шудгорлаш ишларига жалб қилинган.

– Бугунги кунга қадар 211 дона сеялка, 360 дона культиватор, 1700 дона тиркама, 283 дона мола, 60 донадан зиёд агрегат ва бошқа техникалар таъмирлаш устахоналарида соз ҳолатга келтирилди, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Баҳодир Қурбаниязов. – Келгуси йил ҳосили учун 12 минг гектар майдонни шудгорлаш ишлари режалаштирилган. Бу муҳим агротехник тадбирларни амалга ошириш учун 21 та отряд ташкил этилган бўлиб, уларга 104 дона ҳайдов трактори, 50 дона ер текислагич ва бошқа агрегатлар бириктирилди. Техникаларга даланинг бошида хизмат кўрсатиш мақсадида 17 та кўчма таъмирлаш устахонаси ташкил этилди. Натижада шу кунга қадар туман бўйича 7070 гектар майдонда шудгорлаш ишлари ўтказилди.

Тадбир давомида келгуси йил ҳосили учун 221 та фермер хўжалигида 3 минг гектар ерга кузги ғалла экилиб, 1181 гектар майдон иккинчи марта суғорилгани маълумот ўрнида айтиб ўтилди. Ҳар 5 гектар майдонга сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер хўжаликларидан тажрибали сувчилар беркитирилди. Шу билан бирга, ҳар гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш белгиланди.

Пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда яхши натижаларга эришиб келаётган туман фермерлари келгуси йил ҳосили учун ҳозирдан бошлаб мустаҳкам замин яратмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**



# ФЕРМЕР: ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ ТАЯНЧ УСТУНИ

Жиззах Вилояти

*Пахтакор туманидаги “Жавлонбек” фермер хўжалиги раҳбари Эркин Кенжаев камгап, лекин ишнинг кўзини биладиган киши. Аммо пахта ҳақида гапиришингиз билан тили ечилади. Суҳбат орасида ёлғон гапира олмаслигини, ўзи айтмаса-да, ерни севишини дарров илғайсиз.*

## ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

— Одам тупроқ тафтини сеза олса, даласини оралаcard, ер ва экини нима хоҳлаётганлигини англайди, — дейди фермер. — Ер билан тиллашишни отамдан ўрганганман. У киши ҳозир ҳам даламга келади, маслаҳат беради. Обҳавога мос агротехник тадбирларни бажаришни тажриба ва йиллар ҳам ўргатади.

Фермернинг имкониятлари йил сайин кенгайиб боряпти. Қачонлардир 25 гектар ер билан иш бошлаган фермер бугун 142,5 гектарлик экин майдонига эга. Бу йил у 70,5 гектар даласида ғалла етиштириб, режадагидек давлатга 201 тонна эмас, 260 тонна буғдой сотди. Ўтган йили ғалла режасини ортиғи билан бажаргани учун имтиёзли шартлар асосида “Ласетти” русумли автомашина олишга муваффақ бўлганди. Бу йил унга яна машина ажратилди.

Эркин Кенжаевнинг пахтачилик соҳасидаги кўрсаткичлари ҳам юқори. Жумладан, 72 гектар майдонда супер элита уруғлик пахта етиштирди. Ҳосил мўл бўлди.

— Бу йил истиқболли “Кўпайсин” навли пахта етиштирдик, — дейди Эркин Кенжаев. — “Кўпайсин” тез пишади, ўсув даври 117 кун. Ғўзанинг кўсаклари бир хилда бўлиб, уларнинг ҳар биридан 5,5-6 граммгача ҳосил олиш мумкин. Шўрланиш ва касалликларга чидамли, толаси жаҳон андозаларига мос. Бундай навни яратган олимларимизга ўз миннатдорлигимни билдираман. Албатта, фақат навнинг яхшилиги кутилган ҳосилни олиш имконини бермайди. Агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли амалга ошириш зарур. Қилаётган меҳнатимизга яраша даромад топяпмиз. Зиёдулла Шакаров, Шукур Чилмирзаев каби механизаторлар, Зариф Исроилов, Тўғил Аллаёров ва Фахриддин Кенжаев каби ишчиларимизнинг сидқидилдан қилган меҳнатлари натижасида мана шундай муваффақиятларга эришяпмиз.

Фермер билан суҳбатлашиш асносида кўп нарсани англадик. Ер ўз эгасини топгани учун кутилгандан ҳам кўпроқ ҳосил бераётир ва бир неча оиланинг даромад манбаига айланган. Меҳнатни илмий ташкил этиш эса юқори кўрсаткичлар учун омил бўлаётир. Фермер чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини ташкил қилиш борасида ҳам иш олиб бормоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Наманган Вилояти

# ТЕХНИКАСИ СОЗ ФЕРМЕРНИНГ МАШАҚҚАТИ ОЗ

**Жорий йилда Уйчи тумани фермерлари томонидан яратилган ялпи пахта хирмони 24400 тоннадан ошиб, гектар бошидан олинган ўртача ҳосилдорлик 35 центнерданга тўғри келди. Юксак пахта хирмонининг тез ва сифатли бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшаётган 40 центнерчи фермерлар сафининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувонарлидир, албатта.**



*Уйчи туманидаги “Зарбол Навоий” ММТП раҳбари Тоҳиржон Собиров, “Барногул зиё файз” фермер хўжалиги раҳбари Раънохон Қориева ва механизатор Адашали Ўринбоевлар кузги шудгор сифатини кўздан кечиришмоқда.*

Тумандаги “Барногул зиё файз” фермер хўжалигига Раънохон Қориева раҳбарлик қилади. Мазкур фермер хўжаликнинг экин майдони 60 гектар бўлиб, шундан жорий йил пахта ҳосили учун 32 гектар майдонга ғўзанинг “Порлоқ-1” нави экилди. Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилгани ижобий самара берди. Гектар бошидан олинган ўртача ҳосилдорлик 41 центнердан ошиб, 135 тонналик хирмон яратилди.

– Юксак пахта хирмонининг бунёд этилишида механизаторлар Адашали Ўринбоев, Ҳасанбой Жўраев, Аҳмаджон Холбоев ва бошқаларнинг муносиб ҳиссаси бор, – дейди фермер. – Хўжалигимиз асосан уруғчиликка ихтисослашган. Ҳар йили давлат эҳтиёжи учун сифатли буғдой ҳамда пахта уруғлари етиштириб келяпмиз. Ўтган йилнинг кузида мавжуд экин майдонларимизнинг 28 гектарига ғалла экиб, давлатга 112 тонна сара уруғлик дон топширдик. Режадан ортган ғаллани хўжалигимиз аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳамда моддий-техника базамизни мустаҳкамлашга йўналтирдик.

Эътиборимизни пахта ҳосилидан бўшаган экин майдонини оби-тобида шудгорлаётган замонавий техника ва уни моҳирона бошқараётган Адашали Ўринбоев тортди. Унинг таъкидлашича, Хитой давлатида ишлаб чиқарилган “ЮТО-1402” русумли ҳайдов тракторида кунига ўртача 8-10 гектар экин майдонини шудгорлайди. Шудгорлашдан аввал мазкур техника ёрдамида экин майдонларининг четлари суриб, текислаб олинган. Бундан ташқари, ўқариқ қазиш ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа юмушларини ҳам бемалол бажариш имконияти мавжуд бўлиб, айниқса, кузги шудгорлаш ишлари белгиланган меъёрдаги чуқурликда сифатли амалга оширилаётгани келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратади.

Дарвоқе, бободеҳқонлар “Техника – деҳқоннинг қаноти”, деб бежизга айтишмаган. Халқ банкининг туман бўлимидан олинган 125 миллион сўмлик кредит ҳисобига замонавий ҳайдов тракторига эга бўлган фермер хўжалиги раҳбари “Қишлоқхўжаликмашлизинг” кўмагида “ТТЗ-80” транспорт тракторини ҳам харид қилмоқчи.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сирдарё Вилояти

# «РАВОН»НИНГ ЙЎЛИ РАВОН

***Ўтган йилнинг айни йиғим-терим пайти эди. Сардоба туманидаги “Равон” фермер хўжалиги пахта даласига вилоятдан бир гуруҳ мутахассислар келишди. Фермер хўжалигидаги чаноқлардан тошаман деб турган, ҳар тупда 20-25 тагача кўсак тўпланган пахтазорни кўриб, кўпчилик ҳайратга тушди: Сардоба тумани, қолаверса, серҳосил бўлмаган экин майдонларидан иборат “Пахтаобод” СИУ шароитида шундай бўлиқ пахтани етиштириш мумкин экан-да?!***



*Ҳалол меҳнатга яраша хўжаликда моддий манфаатдорлик ҳам ўсиб боряпти.*

Хўш, Иззатулла Сатторов даласида мўл, юқори ҳосил етиштиришнинг сири нимада? Яна Сатторов деганлари узунлиги 550 метрлик, 40 гектарлик картанинг бирор жойидан ўқариқ тортмай ғўзани суғоради. Бу масалада фермерга кўп мутахассислар “Нега 100-150 метр оралатиб ўқариқ тортмайсиз” деб эътироз ҳам билдиришди. Лекин Сатторов ўз билганидан қолмади ва ўзининг ҳақлигини исботлаб берди. Унинг ҳақлиги шунда эдики, экин майдонининг олдидан сув ариқ ўтганлиги боис, тупроқ ортиқча захлаб, шўр тупроқ юзасига кўтарилиб бораётганди. Борди-ю ҳар 100-150 метрда ўқариқ тортиб ғўзаларни суғорса, захкашлик яна ортиб, экин илдизи яхши ривожланмай қоларди. Табиийки, кўнгилдагидек ривожланмаган ғўза пайкалларида ҳосил кам, пахтанинг тош босиши ҳам ҳаминқадар бўлади. Шу сабаб, ғўзаси, ери билан кунига тиллашадиган Иззатулла аввал 550 метрлик ғўзани охиригача бир марта обдон суғориб, сув ўқариқ охирига етиб боргач, бир-икки кун обиҳаётни жилдиратиб эгатларга тараб қўяди. Кўриб турибсизки, шоналаш, гуллаш, кўсаклаш даврида қониб сув ичган, боз устига ишлов даврида рихнител билан икки марта чуқур культивация ўтказилган ғўзалар гуркираб ўсиб, чунонам ҳосилга ўтирадики, кўсакларнинг ғужғужлигидан лол қоласиз.

Фермер, аввало, қишда майдонларни обдон яхобга қондиради. Яхоб ичган далалар чуқур тиним даврини ўташ билан бирга, қишда бу ерларда тўпланган қурт-қумурсқалар уруғлари нобуд бўлади. Қишда берилган яхоб, қолаверса, ғўза шоналаш, гуллаш давригача сувталаб бўлмаслиги учун шарт-шароит яратади. Чилла суви ҳисобига фермер саратон ва асадда икки сувдан ютади. Кўсаклаш, ҳосилга қўшимча ҳосил қўшиш даврида ғўзани икки марта суғориш билан экинни етилтириб олади.

Ўтган йили йиғим-терим бошланиш арафасида туман раҳбарлари: “Бу йил неча центнерни мўлжаллаяпсиз?”, деб фермер Иззатулла Сатторовга юзланишди.

– Бир теримдан 40 центнердан ошириб ҳосил оламиз, – деди Иззатулла Сатторов ишонч билан.

Фермернинг бу гапига унчалик ишонмаганлар ҳам бўлди. Ҳосил мўллиги, 11-12 чигитли тош босадиган пахта етиштирилганлиги йиғим-теримда ўз сўзини айтди. Фермер хўжалиги аъзолари қабул масканларига биринчи куни 24 тонна, иккинчи куни 40 тонна биринчи навли пахта топширишди. Олти иш кунида ҳар гектар майдондан 41 центнердан хомашё йиғиб-териб олишди. Пахтачиликни хўжалик аъзолари 65 миллион сўм соф фойда билан якунлашди.

“Гулбаҳор” нави фермер хўжалигида яхши синовдан ўтди. У суғориш, ўғитлаш, муҳими, ҳар бир агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли бажаришни талаб этар экан.

– Шўрхок ерларда чуқур культивациянинг фойдаси жуда катта, – дейди “Равон” фермер хўжалиги раҳбари Иззатулла Сатторов. – Чуқур культивация ернинг гипс қатламини бўшатиш билан бирга захни қочиради. Энг асосийси, ғўзанинг чуқур илдиз отиб ривожланишига йўл очади. Илдизи бақувват ғўзанинг ҳосили эса баракали бўлади. Қолаверса, ғўзани суспензия билан озиқлантириш ҳам экиннинг ривожини тезлаштириб, ҳосилга ҳосил қўшилишини таъминлайди. Биз ҳар йили ана шу агротехника талабларига амал қилаётганимиз, пайкалларда бирор туп бегона ўт ўсишига йўл қўймаётганимиз учун ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштириб келаяпмиз. Жорий йилда қўлга киритган ютуқларимиз бундан ҳам салмоқли бўлди. Бир теримнинг ўзида гектаридан 41 центнердан юқори сифатли пахта териб олдик. Ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди. Омилкорона иш юритиб, “Пахтаобод” шароитида бемалол 50 центнердан ҳосил етиштириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Жорий йилда 20 гектар майдонда “Таня” навли ғаллани парваришлаб, гектаридан 80 центнердан сара дон йиғиштириб олдик. Режани 120 фоиздан ошириб уддаладик. Ҳалол ва фидокорона меҳнат қилган Бахтиёр Бошбеков, Шерзод Номозов, Абдуҳаким Қўшоқов каби механизатор ва сувчиларимизга 2,5-3 тоннадан буғдой тарқатдик. Ҳалол меҳнатга яраша хўжалигимизда моддий манфаатдорлик ҳам ўсиб боряпти. Жорий йилда пахта ва ғаллачиликдан 120 миллион сўм соф фойда олишни мўлжаллаб турибмиз.

Фермер хўжалигининг иқтисоди яхшиланиши моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш имконини бераётир. Чунончи, фермер ғалла ва пахтачиликдан олинаётган фойда ҳисобига 2 та “МТЗ-80“, 1 та “ЮТО” бульдозери, 1 та “Магнум” ҳайдов трактори, 3 та тиркама сотиб олди. Хўжаликда барча ишлар техника воситалари ёрдамида ўз вақтида бажарилиб, ғалла ва ғўза парваришида омилкорона иш юритилаётганлиги учун ҳам юқори ҳосил етиштирилмоқда.

– Сув исрофгарчилигини камайтириш учун келгусида ер ариқ ўрнига лоток ариқ ўрнатишни мақсад қилиб қўйганмиз, – дейди фермер Иззатулла Номозов. – Шунга эришсак, 30-35 фоиз сув ортиқча исроф бўлишига барҳам бериб, ҳосилдорликни бундан ҳам ошириш имконига эга бўламиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**



***Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.***

*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 39-моддасидан.*

# НУРОНИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

***Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғдир. Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 13 октябрдаги “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги эзгу ишларнинг яна бир ифодаси бўлди. Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси марказий кенгаши раиси Эркин БОҚИБОЕВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати шулар ҳақида.***

– Мамлакатимизда барча соҳаларда жадал ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳоли фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда, – дейди Э.Боқибоев. – Бу Президентимиз Ислом Каримов томонидан халқимизнинг давлатчилик тарихи, миллий-диний қадриятлари ҳамда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган тараққиёт йўлимизнинг ҳаётбахш самараларидир.

Кучли ижтимоий сиёсат ана шу тараққиёт моделининг асосий йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда нуроний отахон ва онахонлар, кўп болали, кам таъминланган оилалар, етим ва ногиронлар, пенсионерлар манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилиниб, аниқ манзилли қўллаб-қувватланмоқда. Бу бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ижтимоий адолат ва барқарорликни сақлаш имконини бераётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майдаги “2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакилларининг соғлигини тиклаши, маданий ҳордиқ чиқариши учун кенг имтиёзлар яратилмоқда. Президентимизнинг ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармонларига мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилаётир.

Уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини жалб этган ҳолда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган турли байрам тадбирлари, учрашувлар ташкил этилмоқда. Бу каби тадбирлар инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлаш жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланганидан далолатидир.

**– Президентимизнинг шу йил 13 октябрда имзоланган “1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги фармони ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилади?**

– Иккинчи жаҳон уруши арафасида юртимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда иштирок этган. Яъни, ёш гўдак ва болаларни, қария ва аёлларни ҳисобга олмаганда халқимизнинг салкам 50 фоизи жанг майдонларида қатнашган. Яна миллионлаб инсонлар фронт ортида машаққатли меҳнат қилган.

Давлатимиз раҳбарининг фармони уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини кучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтиришга хизмат қилади.

Фармонга биноан 2015 йилдан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштирилади.

Айни пайтда “Нуроний” жамғармаси томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур фармон ижросини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётир.

Тегишли идоралар билан ҳамкорликда юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган юртдошларимизнинг аниқ рўйхати шакллантирилди. Қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда уларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли 43 санаторий-соғломлаштириш муассасаси рўйхати тузилиб, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уруш ва меҳнат фахрийларининг бекаму кўст соғломлаштирилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Амалга оширилаётган барча ишлар бугунги тинч-осуда ҳаётимиз учун жасорат ва матонат кўрсатган инсонларга юксак ҳурмат ва эътибор намунасидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, уларнинг умри ғанимат эканини унутмаслик, фахрийларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, қадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**ЎзА мухбири
Дилшод КАРИМОВ
суҳбатлашди.**

Фарғона Вилояти

▼ МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# ҲАМ ТАРБИЯ МАСКАНИ, ҲАМ ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ

***Олтиариқ тумани маънавият тарғибот бўлими раҳбари Ваҳобжон Азимов “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинида маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилгани, ёшлар тарбиясига катта эътибор берилаётгани, айниқса, уларни олий ўқув юртларига касб-ҳунарга тайёрлаш борасида қилинаётган ишлар диққатга сазовор эканлиги ҳақида айтиб қолди.***



*Маҳалланинг фаол хотин-қизлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳафиза Исмоилова, “Шуҳрат” медали ва “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, кимё фани ўқитувчиси Зулхумор Нурматова, маҳалла қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Дилоромхон Тошпўлатова.*

– Бу маҳаллада халқ таълими соҳасида узоқ йиллар ишлаган кўплаб кишилар яшайди ва айнан шу боис, маънавият, маданият соҳасида олиб борилаётган ишлар жамоатчиликка манзур бўлмоқда, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Олтиариқ тумани бўлинмаси раиси Мирзараҳмон Эргашев. – Вояга етмаганлар ўртасида иш олиб бориш, кам таъминланган оилалар, ногирон кишилар ҳолидан хабар олиш, ёш қизларни ҳаётга тайёрлаш, кўрпа қавиш, каштачилик, тикувчилик сир-асрорларини ўргатиш, ёшларга тадбиркорликни тарғиб қилишга маҳалла фаоллари бош-қош бўляптилар.

Маҳалла идорасига кириб борганимизда бир гуруҳ фахрий ўқитувчилар келгуси режалар устида фикрлашишаётган экан. Маҳалла қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Дилоромхон Тошпўлатова мулоқотни энг долзарб масалаларга йўналтираётганлиги айни муддао эди. У Фарғона давлат университетининг тарих факультетини битирганига 20 йилдан ошган бўлиб, шу йиллар ичида ёшларни ўқитишдагина эмас, жамоат ишларида ҳам катта тажриба тўплаган.

Тадбир тугагандан сўнг Дилоромхон Тошпўлатова даврадаги фаол аёлларни бизга таништира бошлади:

– Бу киши маҳалламиздаги аксарият ёшларнинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳафизахон опа Исмоилова бўладилар. Унинг иш тажрибасидан биз ҳам баҳраманд бўлганмиз. Устознинг қарийб қирқ йиллик педагогик тажрибаси мураббийларга ибрат бўлиб келди. Пенсияга чиққанларидан бери маҳалла фуқаролар йиғинида турли тадбирлар ўтказиш, маросимларга бош-қош бўлиш орқали ёшлар тарбиясини яхши йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Опа раҳбарлигида иш олиб бораётган хотин-қизларимиз вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши таъсирчан ишларни амалга оширишмоқда. Маҳалламиз фаолларининг саъй-ҳаракатлари натижасида кўчадан ўтаётган ёш ўғил ёки қиз қаршисидан келаётган кекса кишига салом беришга, юкларини уйига элтиб бериш, бирон юмуши бўлса, беминнат кўмаклашишга ҳам одатланишди.

– Меҳнат фаолиятимнинг 29 йилида туманимиздаги 31, 12, 4, 39-мактабларга раҳбарлик қилдим, – дейди Ҳафиза Исмоилова. – Ўқитувчиларнинг ишга бўлган муносабати, ўқувчиларга дарс бериш салоҳияти кўп жиҳатдан мактаб раҳбарининг талабчанлигига боғлиқ. Маҳалла ҳам тарбия ўчоғи. “Маҳаллang – ота-онанг” деб бежиз айтишмаган.

Маҳалла хотин-қизлари фаолларидан яна бири – Зулхумор Нурматова. У Фарғона давлат университети кимё-биология факультетини битирган. Ўқувчиларга фан асосларини сингдиришда юксак самараларга эришгани, фидокорона иш фаолияти учун “Шуҳрат” медали, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланди. Давлатимизнинг бундай мукофотларига сазовор бўлиш учун катта куч-ғайрат сарфлаш, тинимсиз изланиш зарур. Зулхумор опанинг маънодор гапларидан унинг тиришқоқлиги, билим салоҳиятини илғаб олдик.

– 30 йилдан бери ўқитувчи бўлиб ишлайман, кейинги беш йил ичида 50 нафардан ортиқ ўқувчимни олий ўқув юртларига киришга тайёрладим ва улар ниятларига етишди. Доимо ўқитишда янгича технологияларни қўллашга интиламан, – дейди Зулхумор Нурматова. – Туман, вилоят ва республика матбуотида мақолаларим билан доимий равишда қатнашиб тураман.

Инглиз тили ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, ҳозир пенсионер Азизахон Нурматованинг ажойиб инсонийлик ҳислатлари, ўз фанининг билимдони эканлиги ҳақида ҳам фахрланиб гапиришди. 40 йил ўқитувчилик қилган бу муаллиманинг ўқувчилари фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичларида қатнашгани ҳам шундан далолат беради.

Маҳалланинг кекса ўқитувчилари пенсияга чиққанларидан кейин ҳам ёшларга ҳар соҳада намуна бўлаётганларига амин бўлдик.

Дилоромхон Тошпўлатова маҳалла идораси биносининг катта бир хонасида ўн нафардан ортиқ хотин-қизлар бичиш-тикишни ўрганишаётганини таъкидлади. Бу хонани кўздан кечирганимизда чевар қиз-жувонлар маҳалла аҳлидан тушган буюртмаларни бажаришаётган эди. Шимни калталатиш ёки болаларга нимча тикдириш учун туман марказига бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Келинлар либосларини ҳам шу ерда тикиб берадиган чеварлар борлигидан маҳалла аҳолиси жуда мамнун.

– Маҳалламиз аҳли томорқа хўжалиги, чорва молларини парваришлаш орқали қўшимча даромад топиш борасида ҳам бой тажрибага эга, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акрамжон Исақов. – Узумнинг энг сархил навлари бизда етиштириляпти. “Ризамат” навли узумнинг ҳар килосини 8-12 минг сўмдан сотиб, катта даромад олган оила бошлиқларимиз янги иморат қуряптилар, уйларини таъмирлаяптилар, енгил ва юк ташувчи автомашиналар сотиб оляптилар. Деярли ҳамма хонадонда 300 тупдан 1000 тупгача ток бор. Ҳар бир томорқадан 15-20 миллион сўмдан даромад олинмоқда. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик билан шуғулланаётган оилаларга ҳавасингиз келади. Кўпгина хайр-саховатли кишилар маҳалламизнинг ободончилиги ва бошқа эзгу ишлар учун ҳомийлик ёрдамини аямаётганидан миннатдормиз.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сирдарё Вилояти

▽ УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

# МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТЛАР

**Гулистонлик моҳир ҳунарманд, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Ўктам Шодмонқулов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хотин-қизлар бандлигини таъминлаш лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида маҳаллий хомашёлардан сувенирлар тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари олиб борди.**



– Жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йўлланмаси билан икки марта Мўйноқ туманида бўлдим, – дейди Ўктам Шодмонқулов. – Февраль ойида 20 нафар хотин-қизга чиғаноқ ва сомондан совға ва сувенирлар тайёрлаш йўл-йўриқларини ўргатиб, маҳорат дарслари ўтказгандим. Бу галги ташрифим ҳам аввалгисининг узвий давоми бўлди. Унда хоразмлик машҳур қўғирчоқсоз Мансур Қурёзов ва нукуслик тадбиркор Зуҳра Султашовалар билан “Шоғирли” овул фуқаролар йиғинида яшовчи 18 нафар аёлга икки ҳафта мобайнида чиғаноқлардан эсдалик буюмлари ясаш, қўғирчоқлар тайёрлаш ва миллий каштачилик сирларини ўргатдик. Ўрганувчиларнинг уч нафари мураббий бўлди. Ҳозирда улар ҳам эгаллаган ҳунар сирларини ўз шогирдларига ўргатишмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

○ Реклама ва эълонлар

**SOTILADI:**

**QOG‘OZ**

**OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOG‘OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.**

**Shuningdek, QALIN QOG‘OZ**

**SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.**

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko‘rsatadi

Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

**ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.**

**А также, КАРТОН**

**ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.**

Услуги оказывает:
ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»

Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

**+99895 194-00-14, +99898 362-91-11**

ООО “VIVA MARIA CHOCOLATERIE” зарегистрированное ИРСП хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента (№ 007599-11, 19.12.2013 г.) сообщает об уменьшении уставного фонда со 100 000 000,00 сум до 75 000 000,00 сум, согласно решение единственного учредителя от 14.11.2014 г. Все претензии принимаются в течение 1 месяца по адресу: г. Ташкент Яккасарайский р-н ул. У.Носира, 39.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (28.10.2014 й., реестр № 01-00592) қайта рўйхатдан ўтган “AKMAL IKROM” ХК (ИНН 201080781) Устав фонди 54 000 000 сўмдан 21 000 000 сўмгача камайишини маълум қилади.

ИП ООО “DOREEN” (ИНН 302751797) объявляет об уменьшении размера уставного фонда с 300 000 долларов США на 188 970 долларов США. Все претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Бектемирский р-н ул. Сангзор д. 4. Тел.: +99890 966-21-56.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎИда (реестр № 006969-05, 23.10.2013 й.) рўйхатга олинган “HASAN AND HUSAN FOOD” МЧЖнинг Устав фонди 907 589 329,81 сўмдан 445 327 790,2 сўмга камайиши муносабати билан даъволар +99893 502-34-04 тел. орқали қабул қилинади.

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

“Қишлоқ ҳаёти” рўзномасининг 2014 йил 13 ноябрдаги №135 (8372)-сонида Андижон вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги **“Турар ва нотурар уй-жой биноларини капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар микдори кичик бизнес субьектлари учун 100 фоизни ташкил қилади”** жумласи **“Автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар микдори кичик бизнес субъектлари учун 25 фоизни ташкил қилади”** деб ўқилсин.

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР !**

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асвальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам “Беларусь”
- Шины различных моделей



Маҳсулот сертификатланган.

T.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz










Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (04.05.2011 й., реестр № 0109858) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Арипова Шахзода Назарматовнага (ИНН 447033484) тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (03.09.2013 й., реестр № 0113584) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Машарипова Зухра Норхоновнага (ИНН 490465195) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“ASIL OFTALMO SHIFO” МЧЖ фаолият юритмаганлиги учун тугатилади.

Утерянную справку № 6761 от 10.11.2014 г. выданную ГУП “Служба землеустройства и кадастра недвижимости г. Ташкента” на помещение по адресу: г. Ташкент м-в Юнус-Абад-18 д. 53 кв. 20 на имя Хафизова Тауфика Валиевича, считать недействительным.

“STANDART LEASING” МЧЖнинг (ИНН 302688083) Устав фонди 253 854 221 сўмдан 5 000 000 сўмгача камайтирилди. Манзил: Тошкент ш. Чилонзор т. Байналминал кўч. 51-В уй 8-хонадон.

Утерянную справку № 18 от 09.12.2011 г. выданную на Даниелян Феликса Арамовича от кадастрового управления г. Ташкента, считать недействительной.

Утерянный план БТИ и гос. ордер 10-01/8599 от 19.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Большебородовой Ольги Яковлевны, считать недействительными.

Тошкент ш. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Яккасарой т. бўлими томонидан массив Қушбеги 15-уй 34-хонадон учун Азимов Акмал Каримович номига берилган олди-сотди маълумотномаси (№ 3445, 07.11.2014 й.) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ТОАБАД ҲИЛПИРАБ ТУРГАЙ ТУҒИМИЗ



**(Боши 1-саҳифада)**

Мана, йигирма уч йил бўлибдики, давлатимиз байроғи халқаро миқёсда юртимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида, шунингдек, хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида осмон узра ҳилпираб турган байроқлар орасида миллий байроғимизнинг борлиги ҳар биримизнинг қалбимизда ғурур, фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Таъкидлаш керакки, турли байрам тантаналарида, халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида, ҳарбий қасамёд пайтида Юртимиз шарафи, шунингдек, қалби пок ва беғубор, яхшиликка интилувчан халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан миллий байроғимиздир. Шу сабабли, Она Ватани ва халқини асрашга шайланаётган мустақил юрт ўғлонлари ҳарбий қасамёд даврида тиз чўкиб, фахримиз – байроғимизни кўзларига тўтиё қилиб суртадилар.

– Кечагидек ёдимда болалагимда "Катта бўлсанг, ким бўласан", деб сўрашса, "Аскар бўламан", деб жавоб берардим, ҳарбийлардек шаҳд билан юрар, салом берардим, – дейди Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат бурчини ўтаётган қашқадарёлик Замонбек Элмуродов. – Бугун ушбу орзуимга етдим. Айниқса, Ватанимиз байроғи олдида қасамёд қилаётганимда кўнглим ҳапқириб кетди. Мен юрт ҳимоясига бел боғлаган эдим. Эр йигитлар юрт туғини кўтариб, душманни чилпарчин этганини китобларда ўқигандим, ривоятларда эшитгандим. Улар каби юрт хизматида эканлигимдан ғурурланиб кетдим.

**Бекзод АБДУРАҲМОНОВ,**
**Эркин кураш бўйича XVII Осиё ўйинлари ғолиби:**

**Инчеонда бўлган мусобақаларда ҳар сафар гиламга чиқиш олдидан давлатимиз байроғини кўзларимга суртиб, ўпиб чиқардим. Сабаби, у менга ўзгача куч бағишлайди. Ватан ва халқимиз олдидаги бурчимни ёдимга солади, ғолибликка бўлган ишончимни оширади. Финалда ғолиб чиққанимда, миллий байроғимиз юқорига кўтарилганда қалбим чексиз ифтихорга тўлди.**

Халқаро миқёсда бўладиган нуфузли спорт мусобақаларида спортчиларимизга давлатимиз байроғи куч-қудрат, жасорат бағишлайди. Шу боисдан, мусобақаларда спортчиларимиз ғолиб бўлиб, мамлакатимиз байроғини юқори кўтариб, осмон узра ҳилпиратаётир.

**Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ**

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Уларда асосан аҳолининг эътиборга, ҳимояга муҳтож қатлами бўлган аёллар, вояга етмаганлар, кекса ёшлилар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинмоқда.

Аксарият кишилар жазо деганда жиноят содир этган шахсни қийноққа солиш, хўрлашни тушунадилар. Ваҳоланки, жазодан мақсад кимнидир қийноққа солиш, хўрлаш ёки қанчадир вақт қамоқда сақлаш эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасига асосан жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: "Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Шу билан бирга, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки терговишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади, деб ўйлайман".

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, амнистия актини қабул қилиш давлат ҳокимияти олий органларининг қандайдир мажбурияти, бурчи эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Амнистия орқали одатда жиноят ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар жазодан тўла ёки қисман озод этилади, тайинланган жазо тури енгилроғи билан алмаштирилади.

Мустақиллик йилларида амнистияга оид қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Икки палатали парламент шаклланганидан сўнг, Сенатнинг мутлақ ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш киритилди. 2008 йил 23 декабрда матбуотда эълон қилинган "Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан амнистия актини қўллаш холис ва бетараф, одил орган, мустақил ҳокимият бўлган судлар ваколатига ўтказилди.

Шунингдек, қарорда уни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилиши ҳамда у қарор эълон қилинган кундан кучга кириб, 3 ой мобайнида ижро этилиши лозимлиги қайд этилган.

Сенат қарорига кўра, жазодан озод қилинадиганларга қуйидаги шахслар киради: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари. Бундан ташқари, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилу олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно), тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар ҳам жазодан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Қарорда мазкур амнистия ҳужжати асосида озод қилинмайдиган қуйидаги шахсларнинг: а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига; б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилиши ҳам белгиланган.

Қарорда, шунингдек, мазкур амнистия акти тегишлича қуйидагиларга татбиқ этилмаслиги ҳам белгилаб қўйилган: а) ушбу қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга; б) ушбу қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга; в) ушбу қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга; г) ушбу қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

Ватан – ягона оила, жиноят содир этиб, адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш, бу йўлда уларга кўмаклашиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди.*

# ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ

***Ўзбекистон давлат консерваториясида "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бошланди.***




"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Камалак" болалар ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалнинг ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган ўғил-қизлар турли номинациялар бўйича ўз маҳорат ва истеъдодини намойиш этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, бадиий диди ва эстетик тафаккурини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Камалак юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалидан кўзланган асосий мақсад болаларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун яқиндан кўмаклашиш, уларнинг катта саҳналарда ўз қобилиятини намоён этиши учун имконият яратиш, ижодкор ўғил-қизлар фаолияти билан халқимизни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Фестивалнинг дастлабки босқичларида иштирок этиш учун 6-15 ёшдаги минглаб болалардан аризалар келиб тушди. Уларнинг салкам 700 нафари мамлакат босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди. Фестивални юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, таниқли санъат ва маданият вакиллари, ташкилотчилар юртимизнинг чекка ҳудудларидаги ёшларнинг истеъдодини тегишли мезонлар асосида баҳолаб борди.

12 ёшли Музробхўжа Маҳмудов Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги 6-болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олади. У танбурда миллий куй-қўшиқларни маромига етказиб ижро этади.

– Фестиваль учун «Мустаҳзод» қўшиғини тайёрлаб келдим, – дейди ёш ижрочи. – Катта саҳнага биринчи марта чиқяпман. Бу фестиваль тенгдошларимнинг ижоди билан танишиш, устоз мусиқачи ва бастакорлар, созандаларнинг маҳорат сабоқларида иштирок этиш учун яхши имкониятдир.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ДИҚҚАТ:

# «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

Ҳурматли ҳамюртлар!

Маълумки, қиш фаслида иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши ёнғин хавфи ошишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар Республика миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Ушбу ойлик давомида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Азиз ватандошлар!

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраймиз. Бу билан Сиз нафақат ойлик тадбирларининг фаол иштирокчисига айланасиз, балки уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.




Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирларида фаол иштирок этадиган ташаббускор юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорлик билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (27.05.2013 й., реестр № 005831-01) рўйхатдан ўтган "ESHONGUZAR YAGONA SAVDO" МЧЖ (ИНН 302135423) Устав фонди 1 202 393 сўмдан 200 788 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный диплом № 232386 выданный в 1999 г. Университетом Мировых языков г. Ташкента на имя TASHMUXAMEDOVA DAVRONBEKA KABULDJANOVICHA, считать недействительным.

Утерянный план дома расположенного по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н ул. Мерганча д. 10 выданный БТИ Учтепинского р-на на имя Raxmedova Kamoliddina Karimberdievicha, считать недействительным.

Утерянные кадастр № 10060405030029 и реестр № 6-438/2013, принадлежащие ООО "Glycyrrhiza glabra", считать недействительными.

Утерянный план и кадастр квартиры расположенного по адресу: г. Ташкент Юнусабадский-18 д. 40 кв. 15 (10:07:05:03:01:5044:0001:015) выданный кадастровой службой Юнусабадского р-на на имя BOBOYEVA LOLAXON ARZIEVNA, считать недействительным.

Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати Давлат корхонаси томонидан 27.02.2002 й.да 9-35/2002-реестр рақами билан Бабаев Зухриддин Зияутдинович номига М.Улуғбек т. Ш.Бурхонов кўч. 22-А уй учун тайёрланган бино кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянные гувохному (патент) (реестр № 0808781, от 12.10.2012 г.) круглую печать и угловой штамп индивидуального предпринимателя "Talipov Farxod Faxritdinovich" (ИНН 493737598) зарегистрированного ИРСП при хокимияте Чиланзарского р-на г. Ташкента, считать недействительными.

Тошкент ш. Чилонзор т.да жойлашган Тошкент 2-Педагогика коллежи томонидан 1982 й.да Турахонова Мукамбар Сайфиевна номига берилган № 338637 (рег. № 11346) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "INTER OIL CLASSIC" (ИНН 303053446) зарегистрированное ИРСП Мирабадского р-на г. Ташкента (реестр № 007210-03, 19.09.2014 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Фаргона йули 14 тупик д. 16, ликвидируется (решение учредителя № 2). С момента гос. регистрации не велась финансово-хозяйственная деятельность. Тел.: +99893 484-70-00.

ООО ОУТБ "Sayxun Baraka Ulgurji Savdo" г. Гулистон Сырдарьинской обл. сообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 9 531 615 722 сум 25 тийин до 9 251 615 722 сум 25 тийин.

ООО "KUR'ER-KARTING" (ИНН 207120917) (адрес: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Янги Куйлюк д. 22) зарегистрированное ИРСП Хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (№ 005260-03, 07.06.2011 г.) сообщает о своём присоединении к ООО "TRUCK ROAD TRANS" (ИНН 207167114) (адрес: г. Ташкент Мирабадский р-н ул. Янги Куйлюк (Алимбекова) д. 22) зарегистрированное ИРСП Хокимията Мирабадского р-на г. Ташкента (№ 006164-03, 08.01.2013 г.). правопреемником является ООО "TRUCK ROAD TRANS".

Тошкент ш. Чилонзор т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "HERMES INVEST МЧЖ" МЧЖнинг устав жамғармаси (таъсисчилар йиғилиш баённомасига асосан) 50 000 000 сўмдан 4 500 000 сўмга камайтирилмоқда.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: Ш.ЙЎЛДОШЕВ
Мусаҳҳиҳ: Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1119, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.55
15955 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5